



100095, Toshkent sh., Olmazor tum., 2-Chimboy ko'ch., 96
Telefon: (998-71) 246-01-95, Faks: (998-71) 246-10-81

100095, Tashkent, Olmazor district, 2-Chimbay street, 96
Ph:(998-71)246-01-95, Fax: 246-10-81 Web-site: www.edu.uz

08.04.2016 № 87-03-887

ОТМлар ректорлариға

Ушбу билан:

1. **2016 йилнинг 30 апрель куни** Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида “Роман тилишунослигининг долзарб масалалари” мавзусида вазирлик миқёсидаги;
2. **2016 йилнинг 12 май куни** Термиз давлат университетида “Таълим тизимида инновацион фаолиятни ривоҷлантиришида хорижий тилларни ўқитишидан самарали фойдаланиш масалалари” мавзусида вазирлик миқёсидаги;
3. **2016 йилнинг 10 май куни** Тошкент молия институтида “Иқтисодиёт назарияси муаммолари: талқини ва ечимлари” мавзусида вазирлик миқёсидаги;
4. **2016 йилнинг 18-19 май кунлари** Тошкент темир йўл муҳандислари институтида “Транспорт логистикаси, мультимодал ташишилар: муаммо ва ечимлар” мавзусида республика миқёсидаги;
5. **2016 йилнинг 3 июнь куни** Ўзбекистон Миллий университетида “Миллий касбий таълимда узлуксиз экологик таълим муаммолари ва ечимлари” мавзусида вазирлик миқёсидаги илмий-амалий анжуманлар ўтказилишини маълум қиласиз.

Шу муносабат билан мазкур анжуманлар тўғрисидаги маълумотларни Сиз раҳбарлик қилаётган олий таълим муассасасидаги профессор-ўқитувчи ва мутахассислар эътиборига етказишингиз сўралади.

Иловада: Анжуманларнинг ахборот хатлари – 6 бетда.

Вазир ўринбосари



Б.Усмонов

Ижрочи: Илмий-тадқикот фаолиятини
мувофиқлаштириш бошкармаси,
тел.: 246-37-21.

АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори ва олий таълим вазирлигининг 2016 йил 23 январдаги 27-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон жавлат жаҳон тиллари университети Роман-герман филологияси факультети томонидан 2016 йил 30 апрель куни “Роман-герман тилишунослигининг долзарб масалалари” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилиши режалаштирилган.

Конференцияда қуидаги масалалар мұхокама қилинади:

1. Хорижий тиллар ўқитиш методикасидаги янги йўналишлар;
2. Хорижий тилларни ўқитиш самарадорлигини оширишда янги педагогик технологияларнинг роли;
3. Когнитив тилшунослик, лингвомаданиятшунослик ва коммуникатив лингвистиканинг ўзига хос муаммолари;
4. Чоғиширма тилшунослик ва таржимашуносликнинг назарий ва амалий масалалари.
5. Чет тили таълими тизимида мамлакатшунослик ва адабиётшунослик масалалари.

Анжуман материалларини расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар

- Мақолалар конференция йўналишларига оид долзарб мавзуларда, илмий таҳлил ва тугалланган фикрлар асосида, таклиф ва тавсиялар билан тақдим этилиши лозим;
- Анжуманда иштирок этиш учун мақола матни 4 бет ҳажмдан кам бўлмаслиги, А-4 катталиқдаги қоғозда, 14 кегел катталигига, 1.5 интервалда, юкоридан, пастдан, чапдан, ўнгдан 2.5 см жой колдириб, Times New Roman шрифтида расмийлаштирилиши лозим;
- Мақоланинг номи бош ҳарфлар билан ёзилиши керак. Битта бўш қатор колдирилиб, навбатдаги қатордан муаллифнинг исми, фамилияси ва бир қатордан кейин илмий даражаси, ташкилот номи кўрсатилади. Матн охирида фойдаланилган адабиётлар рўйхати киритилади. Мақолада кўрсатилган фактларнинг тўғрилиги ва аниқлигига шахсан муаллифлар жавобгар. Муаллифлар тўпламни нашрга тайёрлаш ва чол этиш учун мақола тезисининг ҳар бетига 10 000 сўм тўлашлари лозим;

Маъзуза тезислари 2016 йил 20 апрелгача Ўзбекистон жавлат жаҳон тиллари университети Роман-герман филологияси факультети Француз тили назарияси ва амалиёти кафедрасида бир нусха қофоз ва электрон вариантда қабул қилинади.

Электрон манзил: yakubov1955@mail.ru ва nishonov_69@mail.ru

Масъул шахслар телефонлари: Ж.Якубов (+99894 645 54 49); П. Нишонов (+99890 950 15 99).

Конференция 2016 йил 30 апрель куни эрталаб 10-00 да Ўзбекистон жавлат жаҳон тиллари университети Инглиз тили З-факультетининг фаоллар залида бошланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси 21 А уй.

Ташкилий қўмита

Ахборот хати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини ижросини таъминлаш мақсадида Термиз давлат университетида 2016 йилнинг 12 майкуни “Таълим тизимида инновацион фаолиятни ривожлантиришда хорижий тилларни ўқитишдан самарали фойдаланиш масалалари” мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилишини маълум қилади.

Илмий-амалий анжуманда қўйидаги йўналишлар бўйича ўтказилиши режалаштирилмоқда:

- 1. Узлуксиз таълим тизимида чет тилларни ўқитиши муаммолари;*
- 2. Инновацион таълим технологиялари – хорижий тилларни ўқитишнинг муҳим омили;*
- 3. ОТМ ноғилологик йўналишларида хорижий тиллар ўқитиши эксаравенида инновацион таълим технологияларини тадбиқ этиши;*
- 4. Маданиятлараро компетенция ва унинг чет тилини ўқитишдаги роли;*
- 5. Замонавий тилишиносликда матн назарияси ва таълим услубиёти масалалари;*
- 6. Мустақиллик йилларида чет тили ривожланишининг тарихий тенденциялари.*

Анжуман қатнашчилари: Анжуманда қатнашиш учун барча мактабгача таълим муассасалари, ўрта умумтаълим мактаблар, касб-хунар коллежлари ва академик лицей, олий ўқув юртларининг катта илмий ходим-изланувчилари, мустақил изланувчилари, талабалар ҳамда профессор-ўқитувчилар таклиф этиладилар.

Анжуман материалларини расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар қўйидагича:

- Маколалар конференция йўналишларига оид долзарб мавзуларда, илмий таҳлил ва тугалланган фикрлар асосида, таклиф ва тавсияялар билан тақдим этилиши лозим;
- анжуман тили: ўзбек, рус ва инглиз тилларида;
- анжуманда иштирок этиш учун мақола, тезис матнлари 2-3 бет ҳажмдан кам бўлмаслиги, А-4 катталиқдаги қофозда, 14 кегел катталигида, 1,5 интервалда, юқоридан, пастдан, чапдан 3 см ва ўнгдан 2,5 см жой қолдириб, Times New Roman шрифтida расмийлаштирилиши лозим;
- мақола, тезиснинг номи бош ҳарфлар билан ёзилиши керак. Битта бўш қатор қолдирилиб, навбатдаги қатордан муаллифнинг исми, фамилияси, ташкилот номи кўрсатилиди. Матн охирида фойдаланилган адабиётлар рўйхати киритилиди. Матнда кўрсатилган фактларнинг тўғрилиги ва аниклигига шахсан муаллифлар жавобгар.
- мақола ва тезислар I нусха қофозда ва электрон вариантда RTF форматида муаллифнинг паспорт нусхаси билан биргаликда тақдим этилиши сўралади (агарда муаллифлар бошқа олий ўқув юртлари ва муассасалардан бўлсалар мақола ва тезисларнинг қофоз нусхаси талаб қилинмайди, факат электрон нусхаси билан бирга паспорт нусхаси тақдим этилиши шарт);
- файл номи автор фамилияси билан номланиши лозим.

Муаллифлик бадали: тўпламни нашр қилиш ва анжуманни ўтказиш билан боғлик харажатларни коплаш учун ҳар бир бетга 10 000 (ўн минг) сўм белгиланган бўлиб, ушбу тўловни Молия-менежмент ЎММ x/r 20210000104072853001, МФО-00356, ИНН-203359637, “Ипотека-банк” Сурхондарё филиалига ўтказишингиз мумкин. Факат тўловнинг мақсадига, ташкилот номи ва муаллифлар аник кўрсатилиши шарт.

Анжуман ишида иштирок этиш шартлари:

- анжуманда иштирок этиш учун мақола, тезис матнини юбориш муддати 2016 йил 1 майгача қўйидаги манзилга юборишингиз сўралади:

Термиз давлат университети.

Ташкилий қўмита манзили: Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси 43 уй. Тел.:(+99893 799-53-55 Панжиева Насиба Нормаматовна) Чет тиллар факультети биноси Инглиз тили ва адабиёти кафедраси 2-қават 212-хона

Электрон манзил:pranjiyeva@mail.ruruqmuqaddas@mail.ru

Узбекистон Республикасида логистик техникинадарин лойихаси

Р. А. Узамбердиев, асистент

Ташкент шаҳрийи тарбияткорларин институти, Узбекистон

Фойдаланишлари алабиётлар:

ТРАНСПОРТ ИЛЮМИНАЦИЯСИ ВА МУЛЬТИМОДАЛ
ЛАЙНЦИЛАР НУАММОВА ЕЧИМЛАР РЕСПУБЛИКА
МИКССИЛАИ ИЛМИЙ – ТЕХНИК АНЖУМАНДА
ШИЛДРОК ЭТНИЧУЧИН АРІЗА

Кўйилди макоуман анкуман дастурига киритилишинин
сўрайман:

Макола
манзуси:

Секция
номи:

Муаллифнинг
Ф.И.Л. (тўплани):
Танқилот:

Лавозим:

Илмий даражаси, илмий узвони:

Галаб этилаётган техник таъминот:

Мағзин:

Телефон:

Факс:

E-mail:


Тўлов хизнида маълумот:

Имзо
Сана

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛ - ЎЛЛАР ИНСТИТУТӢ

“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМПИР ЫЛДАРӢ” АКЦИЯДОР, ПЛК ЖАМИЯТИ
ТОШКЕНТ ТЕМПИР ЫЛДАР ИЛМЯНДЛАРИ ИНСТИТУТӢ

РЕСПУБЛИКА МИКССИЛАГА ИЛМИЙ – ТЕХНИК
АНЖУМАНӢ



АҲБОРОТ ХАТИ

18-19 май 2016 й.

Мухаррирлар: Ж.Р. Кобулов, С.К. Худайберланов.
Сахифаоччи: М.Х. Ташбаева

Нашра руҳсат этилди: 10.04.2016 г. Ҳажми 0,125 б.т.
Буюрга № ____ Кодоз ўлчами 60x84 1/16 Алали - 50.

Аҳборот кўмаки.
“Тўйми АҲБОРОТИ” журнали
“TEMIRYO’LCHI”, “YOSH TEMIRYO’LCHI” газеталари

Ташкент, Узбекистон

Тўйми илмий бўлими, Тошкент ш., Одилхўжасев кўчаси, 1 уй.
2016 й.

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“Иқтисодиёт назарияси муаммолари: талқини ва ечимлари” мавзусида
Вазирлик миқиёсидаги олий ўкув юртлариаро илмий-амалий конференция

Х А БАРНОМАСИ

2016 йил 10 май куни иқтидорли талабалар, магистрантлар, илмий тадқиқотчи ва иқтисодчи олимларни Тошкент молия институтининг “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси томонидан ташкил этиладиган “Иқтисодиёт назарияси муаммолари: талқини ва ечимлари” мавзусидаги олий ўкув юртлариаро илмий-амалий конференциясига таклиф этамиш.

Конференция ўз ишини қуйидаги шўйбаларга бўлинган ҳолда олиб боради:

1. “Иқтисодиёт назарияси” фани ривожидаги ҳозирги замон йўналишлар (мактаблар) ва уларнинг асосий ғоялари.
2. Барқарор ижтимоий-иктисодий ривожланиш ва инновацион иқтисодиётни шакллантириш муаммолари.
3. Иқтисодий самарадорлик муаммоси ва унга назарий қарашлар эволюцияси.
4. Ташиб иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда эркин иқтисодий худудларни ташкил қилишнинг долзарблиги ва афзаллиги.
5. Тежамкорликнинг ҳозирги замон концепцияси ва уни амалга оширишнинг устувор йўналишлари.
6. Ҳозирги даврнинг иқтисодий муаммолари (инқироз, ишсизлик, инфляция, даромадлар тенгсизлиги ва бошқалар).

Тезислар 2016 йил 25 апрелгача қабул қилинади.

Илмий мақола ва тезислар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- матнда муаллифнинг тадқиқ қилинаётган муаммога ўз қарашлари тўлиқ акс этиши, аник илмий хуносалари, амалий таклиф ва тавсиялари келтирилиши зарур;
- илмий ишлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёзилиб, илмий таҳрир қилинган бўлиши шарт;
- WORD дастурида (RTF) Times New Roman шрифтида ёзилиб, 1-нусхада электрон версияси билан биргаликда тақдим этилади;
- матн 1,5 интервалда, ёзувлар оралифи бир хил бўлиб, ҳарфлар катталиги 14 ўлчамда, ҳажми 3 дан 5 тўлиқ бетгача бўлиши лозим;
- матн юқорисида муаллиф ҳақидаги маълумотлар (исми, шарифи, Олий ўкув юртининг номи) акс эттирилади;
- мавзунинг номи биринчи варақнинг ўртасида катта ҳарфлар билан ёзилади;
- варақнинг юқори ва паст қисмида 2 см, чапдан 3 см, ўнгдан 1,5 см бўш жой колдирилиши лозим.

Кўйилган талабларга жавоб бермайдиган ва таҳрир ҳайъатидан ўтмаган ишлар чоп қилинмайди ҳамда қўллэзмаси қайтарilmайди.

Ташкилий қўмита манзили:

Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси, 60^А-йй (303 хона))

Тошкент Молия институтининг “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси

Мурожат учун телефон: 235-17-72

**“Миллий қасбий таълимда узлуксиз экологик таълим муаммолари ва
ечимлари” мавзусида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим
вазирлиги тасарруфидаги муассасаларнинг илмий-амалий анжуманини
2016 йил 3 июнь куни ўтказилиши тўғрисида**

АХБОРОТ ХАТИ

Анжуман ташкилотчилари:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги;

Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълим тизимининг кадраини малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти;

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.

Анжуман мақсади: Миллий қасбий таълим тизми босқичларида экологик таълимни ташкил этиш йўлларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва таклифлар бериш.

Анжуман шўйбалари:

- экологик таълимнинг дунё тажрибаси ўрганиш ва унинг миллий таълим тизимига жорий этиш йўлларини қидириб топиш;

- давлат таълим стандартларини экологик талабларга мос равища такомиллаштириш;

- қасбий экологик таълимнинг келажак истиқболларини белгилаш;

- қасбий экологик таълимга замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этиш

Анжуманнинг ишчи тиллари: ўзбек, рус ва инглиз тиллари.

Талаблар: Анжуманда иштирок этиш учун талабгорлар мақолалари 2016 йил 20 майгача Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълим тизимининг кадраини малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтининг “Таълимда бошқарув” кафедрасида қабул қилинади.

Анжуман материалари қуйидаги тартибда расмийлаштирилади:

- маъруза тезислари анжуман мавзусига мос бўлиб, муаммонинг долзарблиги ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиши керак;

- ҳажми A4 форматда 2-4 бет, матн Times New Roman, 14 ўлчамли шрифтда, сатр оралиғи 1 интервал, саҳифа ҳошиялари юқори ва пастдан 2 см, чап ва ўнгдан 2,5 см оралиқ ташлаган ҳолда тайёрланади;

- мақола сарлавҳаси юқоридан 2 интервал ташлаб ёзилади, муаллиф Ф.И.Ш. сарлавҳа остида (ўртага), қавс ичида муассаса номи қисқартирилган ҳолда кўрсатилади;

- мақола матнлари 2 нусхада ҳамда электрон шакли ташкилий қўмитага 2016 йил 20 майгача топширилади;

- мақола матнлари бехато ва ўзгартиришларсиз бўлиши талаб қилинади;

Анжуманни ташкилий масалалари бўйича қўшимча маълумотлар учун Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълим тизимининг кадраини малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтининг “Таълимда бошқарув” кафедрасига қуйидаги тел: иш. (8-371) 246-88-19, моб. (+99893) 583-30-06 орқали мурожат қилиш мумкин.